



# Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

2022-yil 29-yanvar, shanba, 11 (23.578)-son

**КУН ХИКМАТИ**

Жамиятнинг қудрати ҳар ким узинга юклатилган вазифани бажаришида ва ҳар ким бир-бирини назорат қила олишидадир

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews.uz



## Президент қарорига кўра

### 40 ёшдан ошган аҳоли эндокрин касалликлар бўйича ҳар йили мақсадли скринингдан ўтказилади

**Давлат раҳбари томонидан 2022 йил 26 январь куни "Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди.**

Унга кўра, **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва мақсадли кузатишни таъминлаш учун тиббий кузатув ва патронажнинг янги модели жорий этилади. Яъни, - оилавий шифокорлар эндокрин касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш бўйича қайта тайёрланади; - эндокрин касалликлар мавжуд оилаларга махсус тайёргарликдан ўтган патронаж ҳамшираси бириктирилади; - патронаж ҳамшираси томонидан эндокрин касаллиги бўлган, умумий ҳолати қониқарли ёки хавф гуруҳидаги аҳолини эрта аниқлаш ва дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш йўлга қўйилади; - эндокрин касалликлар бўйича хавф гуруҳига кирувчи беморлар устидан доимий кузатув ўрнатиш мақсадида барча тиббиёт бригадалари глюкометр ва махсус тест япроқчалари билан таъминланади; - ташхислаш ва даволаш мақсадида беморларни бир кунлик диагностика стационар кузатиш тизими жорий этилади.

**40 ёшдан ошган аҳоли ҳар йили камида бир марта қандли диабет ва диабет олди ҳолатлари учун мақсадли скринингдан ўтказилади** ҳамда эндокрин касалликлар аниқланган беморлар билан мунтазам алоқа ўрнатади. Бунда

сурункали эндокрин касалликлар ривожланишининг олдини олиш учун эндокрин касалликларни даволашнинг замонавий клиник протоколлари ва алгоритмлари жорий этилади.

#### 2022 йил 1 апрелга қадар:

- зарур глюкометр, махсус тест япроқчалари ҳамда игналар марказлашган тартибда харид қилинади ва тиббиёт бригадаларига етказилади;
- бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида белгиланган стандартларга мувофиқ жиҳозланган шифокор олди кўриги хоналари ташкил этилади;
- туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларидаги эндокринолог шифокор хоналари зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланади.
- 25 ёшгача бўлган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган беморлар аналогли инсулин ҳамда ўзини ўзи назорат қилиш воситалари (глюкометр ва махсус тест япроқчалари) билан;
- қандсиз диабет билан касалланган беморлар, соматотроп етишмовчилик билан касалланган болалар ҳаётини зарур махсус дори воситалари (десмопрессин ва ўсгис гормони) билан;
- 25 ёшдан ошган қандли диабетнинг биринчи тури билан касалланган инсулинга муҳтож, шунингдек, қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган беморлар одам инсулини билан;
- қандли диабетнинг иккинчи тури билан касалланган ҳамда эҳтиёжманд сифатида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"да бўлган беморлар метформин дори воситаси билан **БЕПУЛ ТАЪМИНЛАНДИ.**

## Эркинжон ТУРДИМОВ, вилоят ҳоқими:

- Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси аввало инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу дастур маълум тоифа одамлар томонидан ишлаб чиқилмади, балки кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, халқимиз билан бамаънабат тайёрланди. Унда давлатимизнинг келгуси беш йилдаги тараққиёт йўли, халқимизнинг орзу-умидлари ва мақсадлари ўз аксини топган. Юртдошларимизнинг ҳаётдан, давлатдан рози бўлиши, яхши яшаши учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган. Шу жиҳатдан бу ҳужжат биз – ижро ҳоқимияти вакиллари учун келгуси беш йилда одамларни рози қилиш учун қандай ишларни бажаришимиз аниқ-тиниқ белгилаб берилган дастуриямалдир.

## Самарқандликларнинг даромади аҳоли жон бошига 16 миллион сўмга етади

Ҳўш, дастур самарқандликлар ҳаётида қандай янгилик ва ўзгаришларга асос бўлади, уларнинг ҳаёти яхшилланиши учун нималар амалга оширилади? Утган йил якуналари бўйича вилоятимиз аҳолисининг умумий даромади 51 триллион сўмни ташкил этиб, 24 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига 12 миллион 900 минг сўмга етди. Келгуси беш йилда буни 2,5 баробар ошириш ва 32 миллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Жорий йилда эса аҳоли даромадлари 16 миллион сўм бўлиши кутилмоқда.

Бу мақсадларга эришиш учун 2022-2026 йилларда вилоятимизда камида 8 миллиард долларлик 5,5 мингдан орტიқ инвестицион лойиҳани амалга оширишимиз лозим. Бу орқали 250 мингдан орტიқ реал, доимий иш ўрни яратилиши, ишсизлик даражасини 2 баравар қисқартириш назарда тутилган.

2022 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш мақсадида бевосита маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари тавсияси ва хулосаси асосида 1,3 триллион сўмдан орტიқ маблағ йўналтирилади.

Халқимизга қўлай турмуш шароити ва инфратузилма яратиш учун келгуси беш йилда 8 минг километр йўл асфальт бўлади, 1900 кило-

метр тупроқ йўлга тош-шағал ётқизилади, 270 та кўприкни таъмирлаш, реконструкция қилиш ишлари олиб борилади. Эскирган 61 мингдан орტიқ симёғоч янгиланади. 2200 километр янги сув тармоғи тортилади ёки реконструкция қилинади. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари асосида биргина шу йилнинг ўзида 83 та қишлоқ ва маҳалладаги 571 километр тупроқ йўлларга шағал ётқизилади, 405 километрини асфальт қиламиз. 12,5 мингта симёғоч янгисига алмаштирилади. 440 километрдан орტიқ ичимлик сув тармоғи реконструкция қилинади.

**БУ - ФАКТ**

Вилоят давлат солиқ бошқармаси маълумотларига кўра, **2022 йил 26 январь 00:00 дан 23:59 гача 65 779 та 2,5 триллион сўм,** шундан қўшилган қиймат солиғи **247,5 миллиард сўм электрон ҳисоб-фактура расмийлаштирилди.**

## 30 январь – Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таваллуд топган кун

Ўшанда Самарқандга одам оқиб келди. Шаҳарнинг ҳар томонидан меҳмонлар кириб келяпти-ю ташкилотчилар уларни тартиб билан ўтказишар, ҳамма юрт отасини сўнгги йўлга кузатишга чиққанди. Жараён Самарқандда бўлгани учун барчасига гувоҳ бўлдик.

## РЕГИСТОН ЙИҒЛАГАН КУН

зиёратга келишди, ҳамон бу қадамлар узилгани йўқ. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, барча давлат раҳбарларига ҳам одамларнинг меҳри билан сўнгги манзилга кузатув насиб қилмаганлигига гувоҳ бўламиз. Гарчи улар ҳаётлик чоғида мақтовда умр кечирган бўлса-да вафотидан сўнг хотираси қадр топмаган.

Регистон шу пайтгача қанчадан-қанча маросимларга гувоҳ бўлган. Аммо бутун мамлакат ва хориждан йиғилганлар учун бу маросим қайғули эди. Шунча одамни бағрига сингдирган Регистонда бу даражадаги сукунатдан лол қолмай иложингиз йўқ. Узокдан қараганда Регистон ҳам, мунг билан йиғлаётгандай таассурот қолдирарди. Одамларнинг давлат раҳбарига меҳри нечоғлик бўлиши мумкинлигини ўшанда кўрганман илк бор. Ҳа, 2016 йил 3 сентябрь куни Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовни сўнгги йўлга кузатиш маросими бутун халқнинг муносибига айланганига гувоҳ бўлгандик, ўшанда. Орадан шунча йил ўтибдики, ҳамон одамлар у кишининг хоқи қўйилган Ҳазрати Ҳизр мажмуасига



фазрандига ҳам муросасиз муносабатда бўлганини кўрдик. Муваффақиятлар ва ютқишлар доим ёнма-ён юрган. Бу даврда қайси бири тош босгани ҳақида сиёсатчилар гапиргани яхшироқ, аммо йиллар залвори билан ўлчайдиган бўлсак, иқтисодий, сиёсий манфаатлари бирлашиб кетган давлатлар ичра алоҳида қолган, ўз аврасини тортиш, аҳоли қорнини тўйдириб баробарида миллий манфаатларимизни ҳимоя

қилиш ва уни одамлар онгига сингдириш каби муҳим вазифалар Ислоҳ Каримов даврининг асосий жиҳатлари бўлиб қолди. Ишонинг, барча юқори даражадаги амалдорлар қарийб бошқа тилда фикрлайдиган, ўша тилда ўйлайдиган бир пайтда бу масалаларни ҳимоя қилиб чиқиш осон бўлмаган, албатта. Илк бор мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингандан кейинкиларнинг ҳатто қарсак чалмагани ҳам кўп нарсани аналтади.

Воқийда террорчилар бош бўлиб йиғилган оломон орасига кириб бориш, чегаралардаги нотинч вазиятларда ҳам пойтахтда ўтириб эмас, ўша ернинг ўзида ҳозир бўлиш, фавқулодда ҳолатидаги ҳолатларда аввало аҳолини ўйлаб иш тутуш учун давлат раҳбаридан нафақат халқ олдидаги мажбурият, бурч устувор бўлиши керак, балки юртга меҳр-муҳаббат, жасорат ва қатъият ҳам мужассам бўлмоғи зарур. Бу ҳам Ислоҳ Каримовнинг улуғворлигидан дарақдир. Бугун Ҳазрати Ҳизр мажмуасига мамлакатимиз Биринчи Президентини хотириш учун келувчиларнинг қадами узилмаслигининг сабаби ҳам шундадир.

Гулруҳ МҶИНОВА.



## ОДАМЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жойларда Халқ қабулхоналари ташкил қилинганда уларга жамият барометри бўлиш вазифаси юклатилган. Яъни, одамларни қийнаётган муаммо юзасидан қаерга боришни билмай сарсон бўлмаслиги кўзда тутилган. Ўз навбатида қабулхона томонидан рўйхатга олинган мурожаатларни тегишли ташкилотларга қўриб чиқиш учун йўналтириб, ижросини назорат қилиш белгиланган.

Вилоят, шаҳар ва туманлардаги Халқ қабулхоналарига 2021 йилда 23 минг 754 та масала бўйича 22 минг 540 та (2020 йилга нисбатан 5327 та кўп) мурожаат келиб тушган. Биргина вилоят Халқ қабулхонасида 3436 та мурожаат рўйхатга олинган. Энг кўп мурожаат Самарқанд шаҳри (1662 та), ва Самарқанд туманидан (394 та) қайд қилинган. Ургут (283 та), Паст Дарғом (210 та), Пайарик (168 та), Оқдарё (180 та) ва Тойлоқ (113 та) туманларидан ҳам юздан орტიқ мурожаатлар келиб тушган.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Блэкаут, яъни Марказий Осиё ягона электр тармоқларида юзага келган ўлкан авария юртимиз иқтисодиётига ҳам катта зарар етказди. Гарчи электр энергияси таъминоти 25-26 январь кунлари тўлиқ қайта тикланган бўлса-да коммунал хизматлар, алоқа-телекоммуникация тармоқлари фаолиятидаги узилишлар, транспорт хизмати кўрсатишдаги нуқсонлар аҳоли учун кўплаб ноқулайликлар туғдирди. Жумладан, Самарқанд шаҳри кўчаларида 26-27 январь кунлари автобус қатнови бутунлай тўхтаб қолди. Йўналишсиз таксилар ҳам сезиларли даражада қамайди. Сабаби – автобус ва йўналишсиз таксиларнинг асосий қисми сиқилган газ билан ҳаракатланади. Электр энергиясидаги, сўнгра табиий газ етказиб беришдаги узилиш оқибатида сиқилган газ тўлдириш компрессор шохобчалари фаолият кўрсатмади. Фақатгина 27 январь куни куннинг иккинчи ярмида мазкур шох-

обчалар фаолияти қайта тикланди. Вақтинча юзага келган ушбу вазиятдан ҳам қимлардир ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринди. Бошқа турдаги ёқилғидан фойдаланадиган транспорт воситалари эгалари, такси ҳайдовчилари йўлқирани бир неча баробар ошириб олишди. Ҳар куни 5 минг сўм тўлаб борадиган масофавий шаклда, онлайн олиб борилмоқда. Йўқса, бундай ҳолат минглаб талаба ва ўқувчиларнинг сарсонгарчилигига, оилалар бюджетига катта зарар етказилишига сабаб бўларди. - Уттиз йилдан бери Пайарик туманидан Самарқанд шаҳрига қатнаб ишлайман, - дейди йўловчилардан бири. - Лекин бунақа ҳолатни биринчи марта кўришим. Метан заправкалар ишласлиги сабабли автобуслар тўхтаб қолди. Муқобил ёнилғиси борлар



қанчалик тайёрмиз? эса йўлқирани ўзича белгилаб олди. Аслида, Самарқандда қатновчи автобуслар дизель ёнилғиси билан ҳаракатланишга мосланган. Аммо, кейинги йилларда ёқилғи нархининг ошиб кетиши оқибатида улар сиқилган газ билан ҳаракатланишга мослаштирилди. Маълумотларга кўра, ҳозирда шаҳар ички йўналишларида қатновчи, 20 тадан зиёд автокорхонага тегишли 330 дан кўпроқ автобус сиқилган газ билан юради. - Автокорхоналардаги автобусларимиз деярли барчаси суюлтирилган газ ёқилғисига мослаштирилганлиги

сабабли уларни яна дизель билан ҳаракатланишга ўтказиш анча харажат талаб қилади, - дейди вилоят транспорт бошқармасидаги манбаимиз. - Энди улар техник жиҳатдан дизель ёнилғисига ҳаракатлана олмайди. Қолаверса, дизель ёқилғи аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш бугун ўзини оқламайди, автокорхоналар учун ҳеч қандай фойда келтирмайди. Тан олишимиз керак, бугун шаҳардаги жамоат транспорти ва йўналишсиз таксилар хизматидан кўнглимиз тўлмайди. Тизимдаги муаммо ва нуқсонлар кўпайганидан кўпайиб бормоқда. Янги лойиҳаларни амалга оширишга киришилгани, бу борада истиқболли лойиҳалар мавжудлиги бироз кўнглимизга таскин беради. Аммо, ушбу ҳафтада юзага келган ҳолат бугунги шароитда бу каби фавқулодда вазият ҳар қачон пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Шундай экан, шаҳар ҳоқимлиги, вило-

## Бугуннинг гапи

ят транспорт бошқармаси ва бошқа масъуллар бу каби ҳолатлар юзага келганда аҳолининг мушкуллини осон қилиш, муаммоларни тезкор бартараф этиш чоралари кўриши лозим. Сув таъминоти тўхтатилганда аҳолига энгиллик яратиш мақсадида махсус транспорт воситалари орқали ичимлик суви етказиб берилганига гувоҳ бўлдик. Бошқа хизматларда ҳам мана шу каби имкониятлар яратишга ҳаракатни кузатамиз. Лекин 26-27 январь кунлари сиз қайси йўналишда навбатчи автобус ёки бошқа транспорт воситаси қатнови йўлга қўйилганини кўрдингиз? Кўрмадингиз-а?! Аммо кўришдан умидингиз бор эди, автобусда юрадиган йўловчиларни ҳам ўйлайдиганлар борлигига ишонгингиз келсин. **Дилмурод ТҶҲТАЕВ, «Зарафшон» муҳбири.**



# ОДАМЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

**ЭНГ КЎП МУРОЖААТ КОММУНАЛ СОҲАДАН БЎЛЯАТ**  
Ўтган йили Халқ қабулхоналарида рўйхатга олинган мурожаатлар орасида энг кўпи электр, газ, сув таъминоти (2698 та)дан бўлган. Бундан ташқари, моддий ёрдам (2106 та), иш билан таъминлаш (1622 та), уй-жой ва ер билан таъминлаш (1163 та), пенсия ва нафақалар (1117 та), алимент ундириш (1709 та), кредит олиш (948 та) ва соғлиқни сақлаш (1049 та) соҳасида мурожаатлар нисбатан кўп бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхонасига вилоят аҳолисидан 2021 йил 20 декабридан 2022 йил 5 январигача 1121 та мурожаат тушган. Уларнинг 489 таси газ, 479 таси электр энергияси, 83 таси ичимлик суви таъминоти бўйича, 52 таси турар жойларни сақлаш ва таъмирлаш, 5 таси кўмир билан таъминлаш тўғрисида бўлган.

Мурожаатларнинг 166 таси Самарқанд шаҳри, 120 таси Ургут тумани, 119 таси Пайарик тумани, 109 таси Паст Дарғом тумани, 100 таси Каттакўрғон туманидан йўлланган.

2021 йилда Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларнинг 75,6 фоизи, яъни 17 953 таси қаноатлантирилган. Бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 15,6 фоизга ошган, чунки 2020 йилда қаноатлантириш даражаси 60 фоиз бўлган.

**ТАЛАБ БЎЛСА-ДА САЙЁР ҚАБУЛ КАМАЙИБ БОРЯПТИ**

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига кўра, туман, шаҳар сектор раҳбарлари ҳар ҳафта камида бир марта жойларга чиқиб, оммавий қабул ўтказиши керак. Бироқ бу талаб амалда бажарилмапти. Жумладан, сектор раҳбарлари томонидан 2021 йилда 3161 та оммавий сайёр қабул ўтказилиши лозим бўлса-да, амалда бу кўрсаткич 2149 тани ташкил қилган.

Энг кам оммавий сайёр қабуллар Иштихон (68 марта), Паст Дарғом (98 марта), Булунғур (100 марта) тумани сектор раҳбарлари томонидан ўтказилган.

Сектор раҳбарлари томонидан ўтказилган оммавий сайёр қабулларда 20923 та масала бўйича 20574 та мурожаат рўйхатга олинган. Мурожаатларнинг 11474 таси ижобий ҳал қилинган, 9054 тасига тушунтириш берилган, 41 таси рад этилган, 354 таси ўрганиш жараёнида.

Ўтган йили шунингдек, сектор раҳбарлари томонидан 2230 марта ёшлар билан учрашув ва қабуллар ўтказилган. Уларда 66 108 нафар ёшлар қатнашиб, 15 335 та турли масалалар бўйича мурожаат қилинган. Мурожаатларнинг 8488 таси ижобий ҳал этилган, 6367 таси бўйича тушунтириш берилган, 480 таси назоратда турибди.

Ёшлар билан учрашув ва қабулларнинг энг кўпи Самарқанд шаҳри (173 та), Ургут тумани (187 та), Каттакўрғон шаҳри (157 та) Нурабод (148 та), Пахтачи (179 та), Пайарик (195 та) ва Қўшработ (148 та) туманлари сектор раҳбарлари томонидан ўтказилган.

Аксинча, ёшлар билан учрашув ва қабуллар Иштихон (82 та) ва Булунғур (98 та) туманларида энг кам ташкил қилинган.

Бундай мулоқотларда энг кўп қарид олиш масаласида (4498 та), ишга жойлаштириш (2976 та), уй-жой билан таъминлаш (1218 та) ва моддий ёрдам масаласида (666 та) мурожаатлар келиб тушган.

**ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ҲАМ ТАЪСИР ҚИЛМАЯПТИ**

Мурожаатлар билан ишлашда йўл қўйилган камчиликлар учун 2021 йилда Халқ қабулхоналари томонидан чиқарилган тақлиф ва тақдимномаларга асосан 201 нафар мансабдор шахсга нисбатан таъсир чоралари кўрилган. Шунга қарамадан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари бузилиши ҳолатлари давом этмоқда. Масалан, вилоят электр тармоқлари корхонасига юборилган 60 та, халқ таълими бошқармасига юборилган 8 та мурожаатга 30 кунлик муддати ўтса-да жавоб хатлари тизимга киритилмаган.

Президент Администрациясининг топшириғига асосан вилоятда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”ни юритиш, рўйхатга олинган фуқароларга зарур ёрдам кўрсатиш ишлари таҳлил ва мониторинг қилинганда ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди.

Жумладан, Самарқанд шаҳри 2-сектор ҳудудидаги Кўксарой маҳалласида яшовчи Фариза Бахромова боқувчисини йўқотган бўлса-да “Ёшлар дафтари” га, 4-сектор ҳудудидаги Темирийўлчилар маҳалласида яшовчи, 1988 йилда туғилган Лайло Бобомуродованинг ижтимоий аҳоли оғирлигига қарамадан “Аёллар дафтари”га киритилмаган.

Каттакўрғон шаҳри 4-сектор ҳудудидаги Гўзалкент маҳалласида яшовчи, 1992 йилда туғилган Узоқованинг турмуш ўртоғи II гуруҳ ногирони, 1 нафар вояга етмаган фарзанди бор. Оғир оилавий шароитда, онасининг қарамоғида яшаётган бу фуқаро “Ёшлар дафтари”га киритилмаган.

Бу каби камчиликлар барча шаҳар ва туманлардаги секторларда мавжуд.

**“ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ИШЛАРИ ЯКУНЛАНМАГАН**

2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида 28 та қишлоқ ва 4 та маҳаллада қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш белгиланган. Аммо ўтказилган

маниторинглар натижаси шунга кўрсатадики, дастурга киритилган қишлоқ ва маҳаллалардаги ишлар тўлиқ якунланмаган.

Хусусан, Самарқанд, Каттакўрғон, Ургут туманлари ва Самарқанд шаҳрининг кўплаб фуқароларидан электр энергияси, газ, сув ва йўл масаласида бошланган ишлар охирига етказилмаганлигидан норозилик мурожаатлари келиб тушмоқда.

Жумладан, Ургут тумани Ваткан-Қўзибек маҳалласида туман электр тармоқлари корхонаси томонидан олиб келинган 1 та янги трансформатор ўрнатиш ишлари тўлиқ тугатилмаган, ҳудудда ўрнатилган 27 та бетоно устунларга 1,2 километр электр тармоғи тортилмаган.

Ҳудуддаги 100 ўринли янги мактабгача таълим ташкилоти жиҳозланмаган.

**НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?**

Албатта, қайд этилган ҳолатлар бир қатор ҳулосалар чиқаришни тақозо қилади. Зотан, амалдаги тартибга кўра, мурожаатлар белгиланган муддатларда таҳлил қилиб борилиши, келгуси фаолият йўналишлари шунга мосланиши зарур. Бироқ юқорида қайд қилингандек, айрим мутасаддилар бу талабни ёддан чиқариб қўймоқда.

Шу боис, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг эллик бешинчи сессиясида мурожаатлар билан ишлаш таҳлиладан келиб чиқиб, аёри тақлифларни билдирдим.

Хусусан, вилоятдаги электр, газ, сувоқова ва бошқа коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар масъуллари томонидан мурожаатчиларнинг талабларини ҳал этишда қонун талабларига ҳамда меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилиш чораларини кўриш керак. Негаки, мурожаатларнинг ҳал қилиниши айтиш шунга йўналишда келиб тушмоқда. Қайд этилган корхоналарнинг масъул ходимлари томонидан мурожаатлар билан ишлашда қонунда белгиланган тартибга амал қилмаслик ҳолатлари аниқланганда қатъий чора кўришни йўлга қўйиш лозим.

Бундан ташқари, вилоят Бандлик бош бошқармаси билан ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ташкилотлари ўртасида ахборот алмашувида мажбурий бўлган қўшимча кўрсатмалар ишлаб чиқилишини йўлга қўйиш зарур. Чунки, иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича келаётган мурожаатлар салмоғи ҳам кам эмас. Шу боис, бўш ва вакант ўринлар сони тўғрисида реал маълумот базасини ташкил қилиш айтиш мумкин бўлади.

Ўз навбатида бошқарма бўш иш ўринларини яшириб ёки бу ҳақда нотўғри маълумот берган ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ташкилотлари раҳбарлигига нисбатан қонунда белгиланган тартибдаги тегишли чоралар кўрилишини қатъий йўлга қўйиши керак.

**Маматжон ТУРДИЕВ, вилоят Халқ қабулхонаси мудир.**

**Давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш бу – давлат органлари ва ташкилотларида фаолият юритаётган инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ушбу вазифа кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш орқали амалга оширилади.**



# ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ МАЛАКА ОШИРИШИ ЗАРУР

“Lifelong Learning (LLL)” таълимийлини ҳам ушбу йўналишлар қаторига киритса бўлади. Ташкилотдаги инсон ресурсларининг касбий компетенциялари асосий шакллари бу малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўлишига қарамадан давлат хизматчилари учун 30 йилдан бери ягона тизимлаштирилган малака ошириш тартиби ишлаб чиқилмаганлиги ачинарли ҳолат. Давлат идоралари ва ташкилотларида юқори турувчи органлари томонидан ходимнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга қаратилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурлари мавжуд (айниқса, таълим, соғлиқни сақлашда), аммо ушбу дастурлар якунида ходимнинг малака даражаси ва тоифасига таъсир кўрсата оладиган, ойлик маошига қўшимча моддий устамалар белгиланган ҳамда “карьерга модели” учун устуллик берадиган тизим амалиётда мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا асосан “Давлат органлари ва ташкилотлари давлат фуқаролик хизматчилари ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳар йили қисқа муддатли (30 — 60 соатли) малака ошириш курсларидан ўтиши таъминлаши шарт”лиги белгилаб қўйилган. Ушбу нормалар таҳлил қилинган бўлсак, давлат фуқаролик хизматчиларининг малака ошириш курсларини ташкил этиш мажбурияти аниқ белгиланган ташкилотлар зиммасига юклатилмаганлигини гувоҳи бўлаемиз. Шу сабабли ҳалигача давлат фуқаролик хизматчиларининг малака ошириш жараёни тизимлаштирилмаган.

Мисол учун, вилоятимиздаги маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари раҳбар ва ходимларининг уч йиллик малака ошириш жараёни таҳлил қилинганда, 2019 йилда 447 нафар ходимдан 49 нафари, 2020 йилда 443 нафар ходимдан 32 нафари, 2021 йилда 522 нафар ходимдан 263 нафари малака оширилганлиги аниқланди. 2021 йилда малака ошириш курсаткичининг ошганлиги кўпгина ҳокимлик вакиллари “давлат тилида иш юритиш” курсларига жалб этилганлиги билан изоҳланади. 2021 йил давомида Давлат хизматлари агентлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш лозим. Давлат хизматчилари учун мунтазам равишда малака ошириш хизмат поғонасида кўтарилишининг асосий шартларидан бири этиб белгиланиши зарур.

Шу билан бирга малака ошириш жараёнида ходимнинг манфаатдорлик даражасини оширишга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлаш ва ўқитиш жараёнида стажировка ва амалиётдан кенг фойдаланиш, ўқитиш жараёнининг катта қисмини амалиётга ажратиш, аиниқса, ривожланган хорижий давлатларда, ўқитишни бевосита амалиёт билан боғлаган ҳолда амалга ошириш ҳам ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши, табиий.

Давлат хизматчиларининг малакасини оширадиган ва қайта тайёрлайдиган давлат, амалиёт таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳаражатлар сметасида ходимнинг малака ошириши учун маблағ ажратилишини таъминлаш ҳам бу борадаги муҳим талаблардан ҳисобланади.

**Р.УМАРОВА, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали бош инспектори.**

**Субсидия нималигини барчамиз яхши биламиз. Субсидия берилиши учун масъул органлар вакилларида шакллантирилган махсус комиссия ариза берувчиларга мезонлар бўйича балл беришдан ҳам хабаримиз бор. Яъни, ана шу берилган баллар асосида талабдорга субсидия ажратилади ёки аксинча. Ҳўш, талабдорнинг аризаси қандай ҳолларда рад этилади? Бундай бўлмаслиги учун қандай мезонларга жавоб бериш керак?**

**ТАЛАБГОР ҚАЙСИ МЕЗОНЛАР БЎЙИЧА ҲАЛ ҚИЛИНАДИ?**

Ариза берувчининг аризаси у рўйхатга олинган доимий яшаш жойидаги туман ёки шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилади: **тиббийёт бирлашмаси** — ариза берувчи ва унинг оила аъзолари орасида сурункали касалликнинг оғир турларидан азоб чекувчи ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахслар, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг, ёлғиз ўзи оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган болани парваришлаётган аёлларнинг мавжудлигини;

**ички ишлар бўлими (бошқарма)** — ариза берувчининг бошқа оилалар билан бир уйда (бир квартилада) яшагани;

**молия бўлими** — тақдим этиладиган субсидияларнинг миқдори бўйича ажратилган маблағларнинг мавжудлигини;

**давлат солиқ инспекцияси** — солиқ тўловчининг идентификация рақами, турар жойда ижара шартлари асосида яшashi ҳамда ариза берувчи ва унинг яқин қариндошларининг (аризада кўрсатилган ҳолатларда) даромадларини;

**аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази** — ариза берувчининг кам таъминланганлиги, “Меҳнат — миграция” дастурида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётганлигини (оширилганлигини);

# СУБСИДИЯ: МУРОЖААТ НЕГА РАД ЭТИЛАДИ?



**туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси** — ариза берувчида, шу жумладан, унинг турмуш ўртоғи ва фарзандларида мулк ҳуқуқи билан турар жойнинг бор-йўқлиги, яшаш учун яроқсиз турар жойда яшashi, уй-жой умумий майдонининг бир шахс учун қонун ҳужжатларида назарда тутил-

ган ижтимоий нормага мувофиқ эмаслигини; **туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими** — ариза берувчининг оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилаш-

га муҳтож оналар тоифасига мансублигини; **ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлими** — ариза берувчининг алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублигини;

**туман (шаҳар) ҳокимлиги** — ариза берувчининг етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тоифасига мансублигини;

**иштирок этувчи тижорат банклари** — ариза берувчи фуқаро (биргаликда қарз олувчи)нинг ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўлов қобилияти, унга ажратилиши мумкин бўлган ипотека кредити ва сотиб олиши мумкин бўлган уй-жойнинг юқори қиймати, кредит ташкилотларидан аввалги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

**“ОЙЛИГИМ КАМ БЎЛСА-ЧИ?”**

Шу саволга жавоб излаётганлар эътибор қилин! Агар ариза берувчининг ўртача ойлик даромадлари миқдори кўрсатилган меъёрлардан кам бўлса, унинг даромадлари ҳисоб-китобида хотини (эри), улар билан бир уйда биргаликда яшовчи ота-онаси ҳамда фарзандларининг (шу жумладан, асраб олинган фарзандлари) ёки у билан бирга яшамаётган яқин қариндошларининг даромадлари ҳам киритилиши мумкин.

Бунда ариза берувчининг ўртача ойлик даромадлари миқдори ақин қариндошларининг ўртача ойлик даромадлари миқдори қўшилганда ва даромадлар миқдори кўрсатилган меъёрлардан ошиб кетган тақдирда, унинг фақат етмаган қисми инобатга олинади.

**ҲЎШ, ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР КИМЛАР?**

Яқин қариндошлар деганда ариза берувчининг ота-онаси, туғилган ва ўғай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, болалари, бувилари, неваралари, эр — хотиннинг ота-онаси тушунилади.

**ОНЛАЙН АРИЗА ТОПИШИРГАНЛАР ҚАНДАЙ САРАЛанаДИ?**

ЯИДХП (пу.gov.uz) орқали берилган аризалар масъул ташкилотлар ўрганиб чиқиш натижаларига кўра киритилган маълумотлар

асосида ариза берувчининг ижтимоий мезонларга мувофиқлиги автоматлаштирилган тарзда баллар кўринишида баҳоланади. Баҳолаш натижалари комиссияга ариза берувчи иштирокида муҳокама этиш учун юборилади.

**ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ РАД ЭТИЛАДИ?**

- талаб этиладиган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;
- тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ижтимоий мезонларга мос келмаганда;
- тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда;
- ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилишнинг охириги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда;
- масъул ташкилотлар ҳулосаларига асосан жами 30 дан паст балл тўплаганда;
- илгари шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартира ёки яқна тартибдаги уй-жой ҳамда субсидиялар олган оила аъзолари (эри, хотини) такрорий мурожаат этганда;
- зорий йил учун ажратиладиган субсидиялар сони тугаганда;
- иштирок этувчи банк томонидан ариза берувчи фуқаро (биргаликда қарз олувчи) ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўловга лаёқатсиз деб топилганда;
- ариза берувчида кредит ташкилотларидан олдинги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда;
- оилаларнинг ўртача ойлик даромади: қишлоқ жойларда — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭКМ)нинг 3 бараваридан кам ва 6,9 бараваридан юқори; шаҳарларда — МҲТЭКМнинг 3 бараваридан кам ва 8 бараваридан юқори;
- Тошкент шаҳрида — МҲТЭКМнинг 3 баравардан кам ва 9,2 бараваридан юқори бўлганда.

Маълумот ўрнида: ҳозирда МҲТЭКМ 822 000 сўмни ташкил қилади. Агар сиз ушбу талабларга жавоб берсангиз янги уйга хуш келибсиз!

**ДХА вилоят бошқармаси ахборот хизмати.**



# Жамоатчилик фикри — ижтимоий тараққиёт гарови

**Жамоатчилик фикри жамият ҳаётида барисоли кўзгудир. Чунки, ҳар қандай давлат ислохотларидаги барқарорликнинг таъминланиши шу жамиятдаги мавжуд қарашлар тизимида акс этади. Бошқача айтганда, жамоатчилик фикри нафақат халқ манфаатлари асосида шаклланади, балки давлатдаги ижтимоий тараққиёт кечинmalarини ҳам ўзида акс эттиради.**

Жамоатчилик фикри бир қарашда халқнинг ноанъанавий чиқишлари, қарашлари, нуктаи назари маҳсули сифатида кўринади. Аммо унинг туб мазмун-моҳиятига эътибор берилса, у нафақат халқ фикри сифатида, балки давлатдаги ислохотларнинг адолатли ёки адолатсиз кечаётганлигини кўрсатувчи муҳим омил даражасида ҳам намоён бўлишини кўриш мумкин.

Давлатда қонун устуворлигини таъминлаш жамият тараққиётидаги барқарорликнинг гаровидир. Аммо мавжуд қонунга нисбатан мамлакатда жамоатчилик фикрини шакллантириш ижтимоий тараққиётнинг тадрижийлигини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жамоатчилик фикри устуворлиги таъминланиши давлатда демократик тамойиллар ўрнатилганлигини кўрсатади.

Бугун мамлакатимизда ҳақли ра-

вишда бундай тамойилларнинг базавий асоси яратилмоқда. Жумладан, ўзини ўзи бошқариш органларига берилаётган ваколатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари имкониятлари, маҳаллий бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши, давлат бошқарувида жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ислохотлар устуворлиги ҳамда кенг жамоатчилик фикрини ўзида ифода этган сиёсий партиялар фаолияти ривожланиб бораётганлиги фикримизга мисол бўла олади.

Айниқса, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига "Халқ қабулхоналари"нинг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида "Жамоатчилик палатаси"нинг иш бошлаши, "Менинг фикрим" жамоатчилик ташаббуслари ягона платформасининг ишга туширилиши заминидан мамлакатимизда жамоатчилик фикрига

бўлган эътибор янги босқичга кўтарилаётганлигини кўрсатади.

Бугунги глобаллашув даврида жамиятдаги воқеликка нисбатан жамоатчилик фикри шаклланиши табиий бир ҳолат даражасига кўтарилиб бормоқда. Демак, жамоатчилик фикрини чеқлаб эмас, балки унинг жамият тараққиёти ни белгилувчи куч сифатида шаклланишига замин яратиш мақсадга мувофиқ.

XXI асрда ҳар қандай жамият учун ижтимоий тараққиётнинг бевосита ҳаракат механизми жамоатчилик фикри эканлиги янада ойдинлашмоқда. Бу ҳақиқатни тўғри англаб етган жамиятда фақат ва фақат барқарор тараққиёт юзага келади.

Жамоатчилик фикри жамият ёки давлат учун миллий менталитетга асосланган бошқарув тизимини ривожлантиришда асос вазифасини ўтайди. Унинг имкониятлари халқ учун қудрат бўлса, жамият учун тараққиёт белгисидир.

**Улғубек ЯЗДОНОВ,**  
Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали кафедра муdiri, фалсафа фанлари доктори.

**Президентимиз Shavkat Mirziyoyev 2022-yil 13-yanvar kuni "Samarqand davlat universiteti faoliyatini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarorni imzoladi. Unga ko'ra, Samarqand davlat universitetiga ushbu dargohda ta'lim olgan davlat va jamoat arbobi, taniqli adib Sharof Rashidov nomi berildi.**

## Sharof Rashidov nomi universitetimizga juda munosib

Qarorda universitetni transformatsiya qilish va 2026-yilga qadar xalqaro tan olingan tashkilotlarning oliy o'quv yurtlari reytingida birinchi mingtalikka kiritish vazifasi qo'yilgan. Bunday darajaga dunyoning manaman degan har qanday universiteti ham osonlikcha erishavermaydi. Demak, bu marra biz talabalarni o'z ustimizda yanada jiddiy ishlayotganligini undaydi.

O'zbek xalqining sevimli farzandi, davlat va jamoat arbobi Sharof Rashidov 1937-1941-yillar Samarqand davlat universitetining filologiya fakultetida o'qigan. Biz talabalar uchun Sh.Rashidovning adabiy faoliyati ayniqsa muhimdir. U Samarqand viloyati gazetasi mas'ul kotib, muharrir o'rinbosari va muharrir, "Qizil O'zbekiston" gazetasi muharriri, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi boshqaruvi raisi lavozimlarida mehnat qilgan.

Adibning "Chegarachi" dostoni, "Qahrim" she'rlar to'plami, "G'oliblar" qissasi, "Bo'rondan kuchli", "Qudratli to'lqin" romanlari, "Kashmir qo'shig'i" lirik qissasi milliy adabiyotimiz xazinasidan munosib o'rinni olgan.

Prezidentimizning Samarqand davlat universitetini o'zbek xalqining fidoyi farzandi Sharof Rashidov nomi bilan atash tashabbusini qo'llab-quvvatlaymiz.

**Munira ABDURAHMONOVA, Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti filologiya fakulteti talabasi.**

Prezidentimizning Samarqand davlat universitetini o'zbek xalqining fidoyi farzandi Sharof Rashidov nomi bilan atash tashabbusini qo'llab-quvvatlaymiz.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## Капитализм иқтисодий ривожига хизмат қилади



"Капиталбанк" акциядорлик тижорат банки корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш билан бир қаторда чакана сегментда ҳам юқори ўсиш суръатларига эришмоқда. Ҳозирда "Капиталбанк" Ўзбекистоннинг энг йирик тижорат банкларидан бири, универсал ва ишончли молия институти ҳисобланади. Банк тўлиқ ҳажмда юқори сифатли замонавий банк хизматларини кўрсатади, ўз мижозлари ва шерикларининг барча эҳтиёж ва хоҳиш-истакларини имкон қадар қондиришга интилади. Банкнинг Самарқанд филиали томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш тарзи яхшиланишига хизмат қилади.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан "Капиталбанк" тизимида банк хизматлари истемолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда рию этиш ҳамда молиявий очилкани кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишонччи янада оширишда бир қатор янги хизмат турлари жорий қилиниб амалиётга татбиқ этилди.

Кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва ҳабардор қилиш ёки асосли тарзда рад этишни кўрсатган ҳолда бюртмаларни шаф-фодлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун шарт-шароит яратилди. Банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш мақсадида корпоратив кредитлар, микромолиявий кредитлар, банк кафолатлари, аккредитивлар ажратилган ташқари андеррайтинг хизмати йўлга қўйилди.

Филиалимиз томонидан 2021 йилда иқтисодий тармоқларга 137,9 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, sanoatga 56,35, қишлоқ хўжалигига 5,24, қурилышга 5,84, savdo va xizmat кўрсатишга 57,41, транспорт ва aloqaga 1,90, иқтисодийнинг бошқа соҳаларига 11,14 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Натижада, 2022 йил 1 январь ҳолатига филиалимизнинг кредит портфели 107,32 миллиард сўмга етказилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давriga нисбатан (2021 йил 1 январь ҳолатига 49,51 миллиард сўм) 186 фоизга ўсди.

Бундан ташқари, филиалимиз томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан 7 нафар мижозга 46,83 миллиард сўмлик банк кафолатлари ва 5 нафар мижозга 28,38 миллиард сўмлик аккредитив хизматлари кўрсатилди. AT "Капиталбанк"да чет эл валютасини конвертация қилиш бўйича барча операциялар атига 30 дақиқада амалга оширилади. Аризани топиришдан тортиб хорижий ҳамкорга тўловларни амалга оширишга бўлган жараён масофавий банк тизими орқали банкда шахсан иштирок этиш заруратисиз амалга оширилади. "Капиталбанк"нинг корпоратив мижозлари энди Хитой, Япония, Туркия, Жанубий Корея ва қозғистонлик ҳамкорлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни ушбу мамлакатларнинг миллий валюта-

сида амалга оширишлари мумкин. Аввал "Капиталбанк" АҚШ доллари, Евро, Россия рубли, Британия фунтида ва Швейцария франкида конвертация ва тўловларни амалга ошираётган эди. Эндilikда банк ташқи savdo шартномалари учун Хитой юани, Япон иенаси, Туркия лираси, Жанубий Корея вони ва Қозоқ тенгесида бевосита конвертация қилиш ва тўловларни амалга оширишни бошлади. Ушбу мамлакатлардаги ҳамкорлари билан ишлайдиган қўллаб маҳаллий тадбиркорлар конвертация учун ортиқча тўловлар ўқилиш ёки хорижий компаниялар халқаро валютда тўловни қабул қилишдан бош торганда воситачилар топшишга мажбур бўлар эдилар. Валюта турларини кенгайтириш маҳаллий тадбиркорларга тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, воситачилар хизматларидан воз кечиш ва конвертация учун ортиқча тўловлар қилмаслик имконини беради.

Худди шундай, savdo шохобчалари ва дўкон эгалари учун физикал хотирага эга онлайн назорат касса машиналари жорий қилинди. Онлайн НКМ эскича ишлаш тартибининг автоматлаштирилади ва солиқ текширувлари сонини камайтиради. Онлайн НКМ давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, нақд ва нақдсиз тўловларни амалга ошириш, Uzcard тўловларини қабул қилиш, QR кодларни ўқиш ва 24 соатгача узлуксиз ишлаш қулайликларига эга. AT "Капиталбанк" уз мижозларига онлайн НКМ фоизсиз бўлиб тўлаш шарти асосида харид қилиш имкониятини беради.

Банкмиизда мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишда ва чакана тўлов тизимларининг хавфсизлиги, узлуксизлиги ва ишончлилик даражасини оширишда бир қатор янги хизмат турлари жорий қилинди. Филиалимиз биносида 24/7 тизимида ишловчи автовалюта айирбошлаш шохобчалари ўрнатилди. Уларнинг қулайлиги шундаки, аҳоли банк кассасига келмаган ҳолда маблағини айирбошлаш имкониятига эга бўлди. Шу қаторда, аҳоли учун банкмииз томонидан VISA ва Mastercard пластик карталари очилди ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. (VISA пластик карталари АҚШ доллари пул бирлигига ва Mastercard пластик карталари EBPO пул бирлигига фаолият кўрсатишга мўлжалланган).

Шунингдек, миждо банкка келмаган ҳолда халқаро пул жўнатмалари орқали келган маблағни "Апелсин" иловаси орқали ўзининг ҳисоб рақамига тушириш, конвертация қилиш, тўловларни амалга ошириш, картадан бошқа картага, халқаро пластик карталарга ўтказиш, омонат ҳисоб ва рақларга жойлаштириши мумкин. Бундан ташқари "Апелсин" иловаси орқали пластик карталар очилган бюртма бериш ва НФС контактсиз тўловларни амалга ошириш имконияти яратилган.

Молия муассасамиз томонидан аҳолини нақд пул билан таъминлаш мақсадида ҳозиргача аҳоли гағжум жойларда 31 дона банкومات ва коммунал, бошқа тўловларни амалга ошириш учун 165 дона инфокиоск ўрнатилган ва узлуксиз ишлаши таъминланган.

**А.АБИЛОВ,**  
АТБ "Капиталбанк" вилоят филиали бошқарувчиси.  
Хизматлар лицензияланган.

## Банк маблағлари самарали лойиҳаларга йўналтирилади

"Асакабанк" акциядорлик жамияти республика иқтисодийга ҳисса қўшиш истагидаги ва фаолиятини энди бошлаётган ишбилармонларни молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу молия муассасаси хизматлар соҳасини ривожлантириш ва мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини ошириш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўналишда тадбиркорлик субъектларини фаол қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида 2021-2023 йилларда республикаимизда хизматлар соҳасини муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажминини икки баравар оширишни режалаштирган.

ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан "Асакабанк" АЖ Самарқанд филиали томонидан 2021 йилда Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан 11 та экспортёр мижозимизга жами 10 миллион 580 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағи ажратилди. Натижада ушбу корхоналарнинг 2021 йилда экспортдан тушган жами тушуми 29 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, 2020 йилга нисбатан 146,9 фоизга ортган. Президентимизнинг 2021 йил 30 июлдаги «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, филиал томонидан 2021 йилда олий таълим муассасаларининг кундузги бакалавр ва магистратура босқичларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган 150 нафар талабга 1 миллиард 834 миллион сўм миқдоридан таълим кредити ажратилди.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш ва аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида сифатли банк хизматларини кўрсатиш ва хизматлар қамровини ошириш учун Каттақўрғон шаҳри ва Ургут туманида банк хизматлари кўрсатиш марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. 2021 йил давомида банк хизматлари кўрсатиш марказлари томонидан 1512 нафар фуқарога 25,1 миллиард сўм чакана кредитлар (микроқарз, автокредит, истемол) ажратилди.

Бугунги кунда вилоятимизда банкмиизнинг 14 та замонавий, 24/7 тизимида ишловчи банкوماتи, 3 та автовалюта айирбошлаш шохобчаси аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Банкوماتлар орқали аҳоли 230 миллиард сўм нақд пул маблағи чиқим қилган, АвтоВАЗлар орқали эса 29 120,0 АҚШ доллари олди-сотида амалиётлари ўтказилган. Бугунги кунда кредитларини расмийлаштиришда Кредит ахборотлари миллий институти, Фуқароларнинг жағғариб бориладиган пенсия жағғари масъулотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда, чакана кредитлашга андеррайтинг ва скоринг тизимларининг жорий этилиши натижасида мижозлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар, кредит расмийлаштириш жараёни соддалаштирилиб, расмийлаштириш учун сарфланадиган вақт микроқарзлар бўйича 15, автокредитлар бўйича 30 дақиқани ташкил этмоқда.

**А.АМИРОВ,**  
"Асакабанк" акциядорлик жамияти Самарқанд филиали бошқарувчиси ўринбосари.  
Хизматлар лицензияланган.

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**  
Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Абдулқасимов Вали Ганиевичга (2021 йил 26 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Пайарик тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Холбеков Хайдарқулга (2021 йил 28 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолдин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-ўй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Бердиева Гулсара Абдуқадировнага (2021 йил 19 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг

Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-ўй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасида марҳум Фисенко Гулшад Хамидовнага (2021 йил 27 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахрилоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-ўй.**

Булунғур туманидаги "UCH XALQA" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 305148024) ўз устав фондини 467 506 040 (тўрт юз олтишети етти миллион беш юз олти минг қирк) сўмдан 100 000 000 (бир юз миллион) сўмга камайтирмоқда. Шу муносабат билан унга билдирилмаган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Булунғур тумани Минчирок МФЙ.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Булунғур миллий хўнарандчилик касб-хўнар коллежидан 2020 йилда Усмонов Алижон Гулом ўғли номига берилган рўйхат рақами 2117, К №

5889278 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Самарқанд шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Файзиёва Дилором Борисовна номига берилган U № 1087367 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Самарқанд темирйўл транспорти касб-хўнар коллежидан 2020 йилда Нодиров Отабек Алишер ўғли номига берилган рўйхат рақами 223, К № 5895964 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Тойлоқ туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Хамроева Музафар Ахмадовна номига берилган O'R-Z № 1279181 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Самарқанд автомобиль ва йўллар коллежидан 2020 йилда Сафаров Сардоржон Абдувафод ўғли номига берилган рўйхат рақами 346, К № 5894837 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Самарқанд автомобиль ва йўллар коллежидан 2020 йилда Утаев Одилжон Бахрулло ўғли номига

берилган рўйхат рақами 328, К № 0382817 рақамли имтиёзли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Булунғур туманидаги 11-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Жумақуллов Даврон Қаҳрамон ўғли номига берилган UM № 0137271 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Қўшраборт қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежидан 2009 йилда Амонов Салоҳиддин Холмирзаевич номига берилган рўйхат рақами 75, К № 0966664 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Самарқанд шаҳридаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумийтаълим мактабидан 2021 йилда Джурақуллова Шахло Алижоновна номига берилган ТМ № 1425013 рақамли 9 йиллик умумий ўрта таълим тўғрисидаги дубликат шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
**ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!**  
«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 24-июль 82-сонини 3-саҳифасида «БЕКОР ҚИЛИНАДИ» сарлавҳаси остида Равонак қурилиш ва миллий хўнарандчилик касб-хўнар коллежидан 2009

йилда Вафаев Азиз Ахорович номига берилган рўйхат рақами 527, К № 1283022 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилган. Диплом топилганлиги сабабли ушбу эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.  
\*\*\*  
Пайарик енгил саноат касб-хўнар коллежидан 2014 йилда Абдуманнонов Шахзод Абдуалимович номига берилган рўйхат рақами 20 К № 3239439 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси институт боғлиқ касалликларни профилактикаси кафедраси мудири Дилфуза Раббимова онаси, институт 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси собиқ доценти  
**Ойша ҚАЮМОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.  
\*\*\*  
Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси институт физиология кафедраси собиқ доценти  
**Маъмур ЭШОНҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.





(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Юртимиздаги китобхонликдан қониқмайман. Битта зўр ёзувчининг китоби уч минг нусхада, беш минг нусхада чиқиши бу – фожиа. Уттиз беш миллион аҳолидан ўттизта-сидан биттаси ўқиса, камида бир миллион нусхада чиқиши керак эди. Шунинг учун бу ерда муаммо бор, деб ўйлайман. Жиддий муаммо. Китоб ўқиган инсон, маърифатли инсон, ўз соҳасининг етук мутахассиси жамиятнинг тўрига чиқа олмайди. Мен ёшларга китоб ўқисанг бўлмайди, дея хитоб қилиб тураман. Менинг қўлимдан ишимни олсанг бўлмайди, дея фарзандларимга ҳам айтаман. "Э, нималар дезисиз, дада!" дея ишни ҳазилга олишади. Сабаби – хозирги ёшлар ҳаётга реал қарайди. Китоб ўқиётган, ўзининг устида тинмай ишлаётган маърифатли инсоннинг жамиятдаги ўрни қандай? Яхшими ёки акси – ёмонми? Мана қандай мезонлар билан қарайди масалага хозирги ёшлар. Агар сиз минг маърифатли бўлинг, дунё илмларини ўзингизда жамлаган бўлинг, жамиятда кадр топмаган, топмаётган бўлсангиз, икки дунёда ҳам хозирги ёшлар сизнинг ортингиздан бормайди. Уларда ҳам кўз бор, ахир! Кўриб туради барини. Китоб ўқимайдиган, маърифатсиз, жоҳил, лекин мақсад йўлида ҳар қандай ишни қилишга қодир, маддоҳ, лаганбардор одамларнинг ошиги олча бўлаётган бўлса, шу ёш йигит-қизларимиз ўйлаб қолади... Мана шу нарсани жуда жиддий бир тарзда мушоҳадаю муҳокама қилишимиз керак. Китоб ўқиётган одам жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлса, ўз-ўзидан ёшлар унга эргашади. Қуруқ қошиқ оғиз йиртганидек, қуруқ насихат ҳам шундай таъсир кучига эга. Шунинг учун биз ўқимишли, маърифатли, замон билан ҳамнафас бўлган инсонларимизни жамиятнинг тўрига чиқаришимиз керак. Пойгақча – бўсағада қолиб кетмаслиги керак улар. Шунда ҳақиқий кўргазмали курул бўлади, намуна бўлади. Ёшлар ўз-ўзидан ана шундай инсон бўлишга интилади.

#### – Сиз замонавий қаҳрамонни қандай тасаввур қиласиз?

– Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» деган асари бор. У ўз даври қаҳрамонининг сувратини чизади. Худди шундай, ҳар битта замоннинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Кундалигимга ёзиб қўйган эдим бир вақтлар: «Ўзидан ортиб ўзига ёрдам қўлини чўза оладиган инсон бугуннинг қаҳрамонидир». Чунки кўпчилик худбинлик дардига муштало бўлиб, фақат ўзи ҳақида ўйлаб бошлаганди ўша кезлар. Демак, ҳар битта давр қаҳрамонлигини белгилайдиган алоҳида мезонлари бўлади. Айтайлик, бугун Чўлпон бўлишнинг ҳождати йўқ. Чунки биз эркинмиз. Эркинликнинг қандай неъмат эканлигини кўпчилик тушунамайди ҳали. Худо кўрсатмасин, мамлакатни ёв босиб қолса, Ватан дегувчи ҳар бир ёзувчи-шоирларнинг бирдан-бир орзуси эрк ва озодлик бўлади. Ундан бошқа нарса ҳақида ёзиш ҳаромга айланади. Ана шундай даврда Чўлпон бўлмаслик жиноят, ҳатто гуноҳдир! Шунинг учун бу нарсаларни яхшилаб тушуниб олиш керак. Илоҳим, чўлпонларнинг асарлари кўзларга суртиб ўқиладиган даврлар қайтиб келмасин. «Қишан кийма, Бўйин эгма, Ки сен ҳам хур тугилғонсен!» деб қолмайлик. Бу эркинлик, озодликни, мустиқилликни бизнинг элимизга Яратган абадий қилиб берган бўлсин.

Бугунги кундаги қаҳрамон, менинг назаримда, илгорлаб кетаётган дунёни уриб турган томирига ташиш бармоғини қўйганча ўз ўрнини белгилай олган инсондир. Бундай инсон ўз соҳасининг етук мутахассиси ҳисобланади. Замонамиз

қаҳрамон шундай бўлиши керак. Бугунги кунда, демак, миллат учун, инсон учун нима керак бўлса, ўша нарсани теран тушунаган зиёли инсондир қаҳрамон. Зиёли бўлиш учун диплом шарт эмас. Шундай одамлар бор – тўртта дипломга эга, лекин зиёсиз инсон, яна шунақа одамлар бор – битта ҳам дипломи йўқ, лекин зиёли инсон. Қандай замонда, қандай муаммолар билан нафас оляпти – буларни теран ҳис қилиб, замон билан ҳамнафас яшаётган ва ўз соҳасидagi гўзал хизматлари билан юрт, миллат, инсоният камалига ҳисса қўшаётган инсон, менинг назаримда, бугунги замон қаҳрамонидир.

#### – Даврдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар ижодкорларнинг шаклланишига таъсир кўрсатадими?

– Ижтимоий-сиёсий воқеалар нафақат таъсир кўрсатади, кўпгина ҳолларда ижодкорнинг ҳаёти ва ижодини белгилаб ҳам беради. «Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни» дейди Чўлпон. Унгача Чўлпон ва у каби барча маърифатпарвар боболаримиз жадидчилик ғояларини жамиятга ёйди, шунчаки ёймади, адабиётни восита қилиб ёйди. Адабиётни пировард мақсад деб эмас, балки халқни ўстириш, ривожлантириш воситаси, қуроли деб билди. Маълум бир пайтда шундай бўлди, кейинчалик адабиётнинг санъатга айланishi XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. 30-йиллардан эса сиёсий-ижтимоий муҳит шундай сиқиб келдики, натижада ўша «Кўнғил» каби шеърларни ёзган Чўлпонлар бошқача шеърлар ёза бошлади. Бугун ўқиб бўлмайдиган шеърлар ёзди, шунга мажбур бўлди. Чунки муҳит кучли эди, бўйини эгди. Абдулла Қодирийдек буюк ёзувчимиз «Обид кетмон» ни ёзди. «Ўтган кунлар» қайда, «Обид кетмон» қайда, бир қўлдан кўриб-а!.. Нимага? Чунки сиёсий-ижтимоий вазият ёзувчиларни бурчакка тикди. Натижада уларнинг ижодида кескин ўзгаришлар юз берди, бора-бора эса ҳатто ҳаётлари га нукта қўйди вазият. Ўша маънода сиёсий-ижтимоий воқелик, муҳит, наинки ижодкорнинг, балки барча инсонларнинг тақдирини белгилаб беради. Биз кўпинча юзани кайфиятга келишимиз. Билмаймизки, ташкарига қикқанмизда кўзимиз тушган чиройли бир гул тараннум этилган тўрт қатор шеърнинг тағзаминида ҳам ижтимоийлик ётади. Чунки айнан ижтимоий ҳаётингиз ўша чечак гўзаллиги ва ифориини сизга ҳис қилиш имконини беради. Агар шу имконни бермаса, гул у ёқда турсин, бутун бошли бўстони олиб келиб қўйсин, уни кўрмайсиз, ҳис қилмайсиз. Шунинг учун ижтимоий-сиёсий воқелик асарият ҳолда бизнинг тақдиримизни ҳам, вазифаларимизни ҳам белгилаб беради.

#### – Ўқувчиларингизга адабиётни етказиб беришда асосий қуролингиз нима?

– Тил, албатта. Ёзувчининг асосий қуроли тил, унинг ифода хилма-хиллиги, товганишлари... Кўни кеча ижтимоий тармоқда ҳатто олимлар учун олимон тили тобора ўзининг қимматини йўқотиб бораётгани ҳақидаги мақолани ўқиб қолдим. Олмонияда ҳам инглиз тили тобора катта мавқе касб этаётганию олимлар олимон тилида эмас, кўпроқ инглиз тилида илмий ишлар ёзаётганини билиб қайфиятнинг бузилди. Худди шундай, бизда ҳам илмий тил тобора оқсаб бормоқда. Сўзлашув тили бор, илмий тил бор. Минг афсуски, ўзбек илмий тилининг ахволи сўзлашув тилинингкидан да ҳароб. Тобора мана бундай талаблар бўлар экан, яъни олимлар мақолаларини инглиз тилида ёзишга мажбур бўлар экан, ўзбек илмий тилининг шаклланиши ҳам

чўзилиб кетаверади. Мана, тил ҳақида қайғурар эканмиз, яна нималарга эътибор беришимиз керак!

Дунё ранг-барангликдан иборат. Боғу бўстон ҳам ранг-баранг чечаклар билан чунон гўзалдир. Бир хил гуллардан зиёрат боғ у даражада гўзал эмас, бунга ҳамма билади. Шугина оддий мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, дунёдаги барча тилларни сақлаб қолиш ана ўша табиий гўзаллиқни сақлаб қолишдир. Зеро тиллар инсониятнинг муштарак маънавий бойлиги ҳисобланади. Жумладан, биз ҳам ўз она тилимизни барча мавжуд имконларни ишга солган ҳолда камол топтиришимиз шарт. Бу биринчи навбатда Яратганнинг олдидаги муқаддас вазифамиз, бурчимиздир. Чунки ҳар бир инсоннинг бармоғи ва тилининг учидagi из тақдорламасдир. Мўҳр бизнинг танамизга босилган. Мўҳри, сенда алоҳидалик, ўзига хослик бор, бил ва сақла деган. Демак, ҳар битта миллатнинг урф-одатидан тортиб тилигача, руҳиятигача бу – алоҳида ҳодиса. Битта миллат йўқолиб кетар экан, у билан бирга жуда кўплаб маънавий мерос ҳам йўқолиши муқаррарлигини тушуниб етишимиз керак. Миллатнинг йўқолиши эса тилининг йўқолишидан келади. Бошқа бир олимон олими Америкага боргани ва у ерда инглиз тилида ижод қилишга мажбур бўлганини айтиб, "мен инглиз тилида ҳам ижод қила олам, лекин ўзимнинг она тилим, олимон тилим шундай тил эдики, ундаги жуда кўп ифодаларни, нозикликларни инглиз тилида бера олмаяман, жуда кўп нарсалар йўқолиб кетмоқда" дея дardини тўкиб солибди. "Бирни кўриб фикр қил!" деганларидек, олимнинг холига қараб туриб дегим келади: тилимизни ҳар қандай чора тадбирларни қўллаб сақлаб қолишимиз ва ривожлантиришимиз керак. Мақола бўладими, бошқача характердаги матн бўладими, олдин ўзбек тилида ёзиб, сўнг хоҳлаганча бошқа тилларда берайлик. Тилни кўриш, камол топтириш учун керак бу иш. Дунё шиддат билан илгарий-ижтимоий бормоқда, биз нима қилсак, ана шу чопиб кетаётган дунё билан бирга, ҳамқадам борамиз – кенгашайлик. Нима қилсак тилимиз яна беш юз, минг йилдан кейин ҳам ер озида яшаб қолади – ўйлайлик, чора топайлик! Токи, келажак авлодларга улуг Навоий тилини эсон-омон етказайлик.

#### – Ёзувчи, олим сифатида ўзбек адабиёти насрининг келажagini қандай тасаввур қиласиз?

– Оққан дарё оқаверади, эҳтиёж бор экан, янги ва яхши адабиёт яратилаверади. Баъзи даврларда ёркинроқ намоён бўлади бу ҳол, баъзи даврларда эса аксинча – хирарок. Бу нарса ёзувчилик истеъдодининг пастиги билан ўлчанмайди. Даврларнинг ҳам алоҳида хусусиятлари бўлади. Эсланг: парчаланиб кетган собиқ советлар даврида ўртамиёна шоир ёки ёзувчининг обрўйи бугунги куннинг манаман деган шоиру ёзувчисининг обрўйдиган анчайин бандан бўлган. Сабаби – совет ҳукумати адабиётни ўзига югурдак қилиб олган эди. Ўз мафқурасини қўриб қилиш учун адабиётни восита қилганди ва жуда катта гонорларлар тўлаганди. Қолаверса, интернету бугунги имконлар йўқ эди. Адабиёт, кино, театр... асосий завқ оладиган майдонлар эди. Дин ҳам ман қилинган эди. Диний туйғуларни ўқувчилар асосан адабиётдан, бадий матнлардан қидирарди. Натижада адабиёт "илоҳийлашиб" кетганди. Шунинг учун у пайтдаги ижодкорнинг обрўйи вазирниқидан асло кам эмасди. Шунинг учун Тошкентда чоп этилган тўрт қатор шеър Узоқ Шарқда акс-садо беради. Ҳаммаси сиёсат билан, сиёсатнинг адабиётга берган эътибори билан боғлиқ эди. Мамлакатда яқраглик мавжуд эди. Яъни ўша даврда яшаган одамлар деярли бир

хил ҳол ва кайфиятда яшаганлар. Бу дегани шуки, уларнинг эҳтиёжлари ҳам, талаблари ҳам бир-бирига жуда-жуда яқин бўлган. Демак, у ёки бу асарда давр руҳи акс этиб қолса, бирданга ҳаммага тааллуқли бўлаверганидан ўша ҳамма уни асараридек ўраб олган, ўқиган, бошига кўтарган... Бугун-чи? Бугун жамият ўнлаб, юзлаб қатламларга бўлиниб кетган ва ҳар битта қатламнинг ўз эҳтиёжи бор. Ҳатто Навоий, Шекспир, Толстой каби даҳолар тугилиб келса ҳам бирданга барча ўқувчилар қатлами эҳтиёжини қониқтирадиган асар ёза олмади бугун. Бу назарий ҳижатдан ҳам мумкин эмасдек туюлади менга. Ёки ўта мушкул бир иш. Шунинг учун ижод намунасига баҳо бераётганда даврдан келиб чиқиб керак бўлади. "Нима учун бугун катта ёзувчиларимиз, катта шоирларимиз йўқ?", дегандек ёзғирликларни эшитиб қоламиз. Бугунги кун адиблари насрини ўтган асрларнинг улуг деб тан олинган адиблари ижоди билан солиштириб кўринг-а, кўп сирлар ошкор бўлади – қолади. Асар яратиб техникаси, бадий маҳорат бобида ҳатто илгорроқ кўринадиган хозирги носирлар. Фақат барибир уларга нимадир етишмаётгандек бўлаверади. Нима ўшани нимадир? Таъқидланганидек, жамиятнинг турли қатламларга бўлиниб, бадий эстетик эҳтиёжининг ҳам парчаланиб кетиши натижасида инсоннинг бугун бошқа, эртага бошқа, индин яна бошқа ҳолатларга тушиб чиқаятганидир. Агар у бир хил ҳолда камида 10 йил яшаё олганда эди, шу ҳол гўзал шаклда акс этган роман ёки шеърга қаттиқ меҳр боғлаган бўларди. Юзлаб қатламларга мансуб минглаб ҳолларни кўнглидан кечираётган замондош ўқувчининг муйайн асарга гўзал бериши энди қийин. Бир пайтлар айрим жамиятларда ёзувчилар салкам пайгамбардек улуғланган. Чунончи, Лев Толстойни авлиё даражасида кўришган замондошлари. Бугун асло ундай эмас. Дунёни, ҳаётни яхлит идрок этиб, уни бир бутун шаклда акс эттириш имконининг йўқолиши ижодкорнинг мавқеини ҳам тушириб юборди бугун. Яқин ўтмишдан шундай воқеани эслаймиз: устоз шоир Абдулла Орипов билан лифтда чиқдик, денг. Энди кўзгалани деганда, шошиб бир йигит кириб келди-да, бизга бир қараб олгач, тескари ўғирлиб лифт тугмачасини босди. Ҳолбуки, у «Онажоним шеърят» деб аталган тўғаракка келаятган экан. «Онажоним шеърят» деган таъриф Абдулла Орипов шеърларидан олинган. Адабиётга қизиқадиган, ўзи ҳам шеърлар машқ қиладиган ёш йигит қимсан – Абдулла Ориповдек шоирни танимаяпти ва салом ҳам бермасдан ўғирлиб оляпти. Деяки, ана ўша гап: ҳаммаси давр, унинг ўзига хос феъли ҳўйи билан боғлиқ гаплар бўлар.

Бугун ўзбек насри ҳаётни бадий эстетик идрок этишда анча илгарийлаб кетди. Бир пайтлар бу иш шеърятнинг зиммасида эди. Энди байроқ насрда. Шу маънода мен ўзбек насри келажагига жуда катта умид билан қарайман. Унинг ҳали қиладиган иши кўп ва катта. Жумладан, адабиёт кемаси чўкиб бораётган дунёни қутқаришда озгина бўлсин ўз ҳиссасини қўшолиб керак. Таассуфки, бугунги дунё адабиётдан тобора узоқлашиб борапти. Икки-уч йил олдин Япония вазири университетларидан ижтимоий-гуманитар фанларни олиб ташлаш ҳақида фармон чиқарди. Юзлаб университет ректорларидан фақатгина тўрттаси бунга қарши овоз берди, қолганлари маъқуллади. Нима эмиш – ижтимоий-гуманитар фанлар ишлаб чиқаришга фойда бермасмиш, улар моддий бойлик яратмасмиш. Ҳозир у ерда вазият қандай – билмайман. Лекин ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганмасак, бу ҳаётнинг маъносини, умрнинг қисқалигини, савоб ва гуноҳнинг нима эканини ҳам ўргатади?.. Масалага фақат прогнатик кўз билан ёндашилса, ҳамма нарсада моддий фойда кетидан қувилаверса, охири башариёт йўлида кутиб турган чоҳга қуламаймизми? Чоҳнинг борлиги аниқ. Фойда кетидан қувилган пайдо бўлган аслида бу чоҳ. Яна шундай давом этаверсак, оқибати нима бўлади?!.. Ана шунинг учун ҳам ижодкорлар белни маҳкам боғлаб, олда турган чоҳнинг хавфидан бадий хабар беравериши керак. Мен интилган, мен билган, мен тан олган катта адабиёт ана шу мақсадга хизмат қилади хозирги дунёимизда.

#### – Устоз, муаммуни сўхбатингиз учун катта раҳмат!

– Сизга ҳам раҳмат, дўстим! Ирқидан, динидан, мавқеидан қатъий назар, барчани бирлаштирадиган юксак адабиётнинг йўли очиб бўлсин!

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ  
сўхбатлашди.



Замонавий арузнинг турли жанрларида баракали ижод қилиб келаётган Абдулла Нисорийнинг яқинда "Лафзи ўзбек бол эрур" номли девони чоп этилди. Шоирнинг ушбу девондан жой олган айрим ижод намуналаридан ҳавола этамиз.

## Элга меҳринг бер...

Айладим кўнглимни огох, ошкор, пинҳона ҳам:  
«Дилни обод айлағай ишқ, гоҳи лек, ғамхона ҳам».  
Аҳдин айтур лек, кўнғил, айлаб дилим хайрона ҳам –  
Ишқ аро бўлдум масал, савдо била афсона ҳам,  
Шукриллилаҳим, яна оширмену леваза ҳам.

Жоним олғай, лек, берунни ўйламас жононаваш,  
Гарчи жоним васлин истаб, Қайс эрур – девонаваш,  
Оҳ наҳот, дил энди май қўсар, кўнғил – майхонаваш,  
То унутти ошнолик расмин ул бегонаваш,  
Ошно йиғлар менинг ҳолим кўриб, бегона ҳам.

Не бўлар юз очса ёр кўнглим учун, иқбол кучиб,  
Они ҳам сийлар кўнғил ишқ дурларин кўздан сочиб,  
Лек, висол истарки жон, ул ногаҳон кетгай учиб,  
Ғам кўни мендурман, оху ашқдин шамъим ўчуб,  
Бошима эврлгалли туршиш бузуғ қошона ҳам.

Эт халос кўнғилм бузуқ уйдин, санам, бир лаҳза боқ,  
Қолмасин жисмин аро ҳам қатра ғам, бир лаҳза боқ,  
Шоми дийдор сол назар ҳам субҳидам бир лаҳза боқ,  
Элга меҳринг бер, бузуқ кўнғилмга ҳам бир лаҳза боқ,  
Ким Қўёшнинг тобидин маҳрум эмас қошона ҳам.

Кел, малакруҳсор, висолнинг гул юзин сўлдирмаким,  
Ҳажру ғамни жисм аро уммон этиб, тўлдирмаким,  
Ёшуриб гулдек юзинг, жондин мени тўйдирмаким,  
Эй малаҳот шамъи, ҳар соат мени кўйдирмаким,  
Кўп ёрумас шамъ, агарчи ўртанур парвона ҳам.

Ёр Нисорий, дема ҳижрон, бўл мисол забтига шай,  
Ор эмиш ошиққа сўз: «Бошим олиб бир ён кетай!»,  
Фарз эрур шул: «Васл аро жонига жон пайванд этай!»,  
Эй Навоий, гар десанг, ул турфа қушни сайд этай,  
Риштайи жисмингни дом эт, кўз ёшингни дона ҳам.

### Янги китоб

#### АЙТ, БИРОДАР, ОР ҚАНИ?!

Не қаро кунким, йўқотдинг «орқа»ни,  
Телдилар – тутдинг муллоим орқани.  
Жон берар чоғ ҳам йигит мағрур бўлур,  
Айт, биродар, сенда шундай орқа ни?!

#### АБРИ НАЙСОН ДИЛНИ ОР ҚАНИ

Дилни чоғлар абри найсон томчилаб,  
Дур-зилол гулбарг уза, чун – томчи-лаб.  
Тонгда гуляпроқ тутар шабнамга жом,  
Дер шивирлаб: «Лаб тутаи, сен, том-чи, лаб!»

#### ОТАШ СЎЗИМ ТУРКОНАДУР


Мулки Турон ўғлиман, Турк – онадур,  
Чақнаган оташ сўзим – турконадур.  
Этди шоён лафзи ўзбек кудратин,  
Мен ТУЮҚ номин дедим – Туркона дур!

#### АҲЛИ ОЛАМ, СИЗГА ЗЕБ

Тунги ел жону жаҳоним аллалар,  
Ё знам – жону жаҳоним, аллалар?  
Аҳли Олам, сизга зеб хикмат будур:  
«Тоабд, жону жаҳоним – аллалар!»  
Абдулла НИСОРИЙ.

### Ҳикмат излаганга...

Абу Али Ибн Сино мадрасада ўқиб юрган вақтида сабоқдош дўстларига:  
– Мен тугилдим у оламни парча-парча ҳолда кўрдим, –  
дебди.  
Ўртоқлари ажабланиб, Абу Алининг онасидан "Шу ростми?" деб сўрашибди. Ситора бону тўғрисиини айтибди:  
– Мен чақолани ҳовлига олиб чиққанимда боши узра ғалвир билан қўшини тўсиб турган эдим.



### ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**1 ФЕВРАЛЬ**  
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ – 1947 йилда Урганч туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

**2 ФЕВРАЛЬ**  
Баҳром БОБОҚУЛОВ – 1928 йилда Самарқанд туманида туғилган. Тиббиёт фанлари доктори.

Рушона АМОНОВА – 1993 йилда Жомбой туманида туғилган. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси.

**3 ФЕВРАЛЬ**  
Матлуб САМИБОВЕВ – (1927-2019) Самарқанд шаҳрида туғилган. Тиббиёт фанлари доктори.



МУАССИС: Самарқанд viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 21 952 nusxada chop etiladi. Buyurtma 70. Hajmi 2 bosma taqtoq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaga manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G. HASANOV.

Navbatchi:

D. TO'XTAYEV.

Sahifalovchi:

B. ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda